

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Т.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ДАВРОНБЕКОВ ДИЛМУРОД АБДУЖАЛИЛОВИЧ

РАДИОТЕХНИК ТИЗИМЛАР ЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ
ИШОНЧЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА
УСУЛЛАРИ

05.04.02 – Радиотехника, радионавигация, радиолокация ва телевидение тизимлари
ва қурилмалари. Мобиль, толаоптик алоқа тизимлари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract Doctoral (DSc) dissertation

Давронбеков Дилмурод Абдужалилович

Радиотехник тизимлар элементларининг ишончлилигини таъминлаш
тамойиллари ва усуллари

3

Давронбеков Дилмурод Абдужалилович

Принципы и методы обеспечения надежности элементов
радиотехнических систем

29

Davronbekov Dilmurod Abdujalilovich

Principles and Methods for Ensuring the Reliability on Elements
of Radio Technical Systems

55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

59

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Т.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ДАВРОНБЕКОВ ДИЛМУРОД АБДУЖАЛИЛОВИЧ

РАДИОТЕХНИК ТИЗИМЛАР ЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ
ИШОНЧЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА
УСУЛЛАРИ

05.04.02 – Радиотехника, радионавигация, радиолокация ва телевидение тизимлари
ва қурилмалари. Мобиль, толаоптик алоқа тизимлари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.DSc/Т306 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Назаров Абдулазиз Муминович
техника фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бахрамов Сагдулла Абдуллаевич
физика-математика фанлари доктори,
профессор, академик

Юсупбеков Азизбек Нодирбекович
техника фанлари доктори, профессор

Алиев Равшан Маратович
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

«Ўзбектелеком» Акционерлик компанияси

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Т.07.02 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темура кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100084, Тошкент, Амир Темура кўчаси, 108-уй. Тел.: (+99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси.)

И.Х.Сиддиков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ж.Х.Джуманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

А. Абдукаюмов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ахборот-коммуникацион технологиялар жадал суръатларда ривожланмоқда. Замонавий телекоммуникациялар тизимлари, шу жумладан радиотехник тизимлар (РТТ) кўп сонли ўзаро боғланган элементлар, блоклар ва қурилмалардан ташкил топган мураккаб РТТлар дейиладиган мураккаб комплексларни ўз ичига олади. РТТга қўйиладиган талаблардан бири уларнинг ишлаш ишончилиги муҳим аҳамият касб этади. Шу муносабат билан РТТ ва унинг таркибига кирадиган элементларнинг ишончилигини ишончли ҳисоблаш тамойиллари ва усуллари ишлаб чиқиш, РТТ ва унинг таркибига кирадиган элементларнинг ишончилигини ошириш ва таъминлаш долзарб ҳамда зарур масалалардан бири ҳисобланади. Ривожланган давлатларда, шу жумладан, Хитой, Россия, АҚШ, Япония, Канада, Ҳиндистон, Германия ва бошқа давлатларда математик моделлар ва аналитик ифодалар, ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш, ишончилиқни ҳисоблашнинг дастурий таъминотини (ДТ) яратиш, РТТ элементларини тестлаш ва диагностика қилиш учун усуллар ва қурилмалар, РТТ дастурий таъминоти ва РТТнинг ўзини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда математик моделларни ишлаб чиқиш, ишончилиқни ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий таъминотини яратиш, РТТ элементлари, РТТ микроконтроллерли бошқариш тизимларининг (МКБТ) дастурий таъминоти, РТТларнинг ўзини тестлаш ва диагностика қилиш усуллари ҳамда қурилмаларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу йўналишда математик моделлар ва аналитик ифодаларни қуриш, РТТ элементлари, РТТ МКБТ ДТ ва РТТларни ўзининг ишончилигини ҳисоблашга имкон берадиган алгоритмлари ва дастурий комплексларини яратиш энг муҳим ҳисобланади. Шу билан бирга РТТ элементлари, РТТ МКБТ ДТ ва РТТларни ўзининг ишончилигини таъминлаш бўйича усуллар ва қурилмаларини ишлаб чиқиш масаласи зарур ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида РТТ элементларининг ишончилигини ҳисоблаш тамойиллари ва усуллари ишлаб чиқиш, ошириш ва таъминлаш бўйича принципиал янги ёндашишлар, шу жумладан ҳозирги вақтда РТТ бошқариш тизимларининг ажралмас қисмига кирадиган дастурий таъминотни ишлаб чиқиш соҳасида кўплаб илмий тадқиқотлар юқори даражада амалга оширилган ва ўтказилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси «...иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ... илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш ...» каби масалалар аниқланган¹.

Ушбу диссертация тадқиқотлари маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги №ПФ-4947

¹ 2017 йил 7 февралдаги №ПФ-4947 «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.

«Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги №ПФ-5349 «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 мартдаги №ПҚ-2834 «Тошкент ахборот технологиялари университетининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарорида ва бу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган вазифаларнинг бажарилишига хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқотлар фан ва технологиялари ривожланишининг IV «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникацион технологияларни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Ишончлиликини ҳисоблаш бўйича масалаларни ечиш учун математик моделлар ва аналитик ифодалар, ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурларини яратиш, РТТ элементлари, РТТ МКБТ ДТ ва РТТларни ўзининг ишончилигини башоратлаш ва таъминлашнинг ишончли усуллари ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи марказлари ва олий таълим муассасаларида, шу жумладан, University of Wisconsin–Madison, University of Massachusetts Dartmouth, Iowa State University (АҚШ), Beihang University, Zhejiang University, компания Huawei (Хитой), Technical University of Denmark (Дания), City, University of London (Буюк Британия), Technische Universität Berlin (Германия), NXP Semiconductors (Голландия), British Columbia Institute of Technology (Канада), Amity University (Ҳиндистон), Н.Э.Бауман номидаги Москва Давлат техника университети (МДТУ), М.Ломоносов номидаги Москва Давлат университети (МДУ) (Россия), Беларуссия Давлат информатика ва радиоэлектроника университети (БДИРУ) (Белоруссия), Н.Гумилев номидаги Евроосиё Давлат университети (ЕДУ) (Қозоғистон), Мухаммад аль-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида (ТАТУ) (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Жаҳонда ишончлилики масалалари бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасида қатор натижалар олинган: University of Wisconsin–Madison, University of Massachusetts Dartmouth, Iowa State University (США), Beihang University, Zhejiang University, Huawei компанияси (Хитой), Technical University of Denmark (Дания), City University of London (Буюк Британия), British Columbia Institute of Technology (Канада), Amity University (Ҳиндистон), Н.Э.Бауман номидаги МДТУ, М.Ломоносов номидаги МДУ (Россия), ТАТУда (Ўзбекистон) дастурий таъминотнинг ишончилигини ҳисоблаш математик моделлари ва усуллари ишлаб чиқилган, Huawei компанияси (Хитой), Technische Universität Berlin (Германия), NXP

² Диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи <https://www.researchgate.net>, www.elsevier.com, <https://www.nxp.com>, <http://www.bmstu.ru>, <https://www.msu.ru>, <https://www.bsuir.by>, <http://www.enu.kz> ва бошқа манбалар асосида шакллантирилган.

Semiconductors (Голландия), Amity University (Хиндистон), МДТУ, М.Ломоносов номидаги МДУ (Россия), ТАТУда (Ўзбекистон) РТТ элементлари, РТТларни ўзининг ишончилигини ҳисоблаш, ошириш ва таъминлаш бўйича усуллар ишлаб чиқилган ва тадқиқ қилинган.

Дунёда РТТ элементлари, РТТ МКБТ ДТ ва РТТларни ўзининг ишончилиги масалаларини ечиш учун қуйидаги истиқболли йўналишлар бўйича тадқиқотлар ўтказилмоқда: математик моделлар ва ҳисоблаш алгоритмларини олиш, дастурий таъминотни такомиллаштириш ва яратиш, РТТ элементлари, РТТ МКБТ ДТ ва РТТларни ўзининг ишончилигини ҳисоблаш, ошириш ва таъминлаш усуллари ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда катта ишончиликли РТТни ишлаб чиқишга катта эътибор берилмоқда.

А.А.Свешников, В.Н.Татубалин, Е.С.Вентцель, Б.В.Гнеденко ва бошқалар мактабларининг эҳтимоллар ва математик статистика назарияси асосида РТТ элементларининг ишончилигини етарлича асосланган ҳисоблаш ва таъминлаш усуллари яратилган.

РТТ элементлари, РТТ МКБТ ДТ ва РТТлари ўзининг ишончилигини ишончилилик назарияси, тасодифий жараёнлар ва уларнинг муҳандислик қўлланишлари назарияси, оммавий хизмат кўрсатиш назарияси асосида тўғри баҳолаш ва таъминлаш масалалари Г.Майерс (Glenford J.Myers), В.В.Липаев, Г.А.Кейджяна, Б.Я.Дудник, В.В.Величко, А.М.Половко, В.Н.Дианов, И.Я.Козырь, Т.Д.Раджабов, Д.А.Абдуллаев, Т.Ф.Бекмуратов, А.М.Смоляк, И.Р.Берганов, Р.И.Исаев, М.Г.Васильева, Р.Х.Джураев, Ш.Ю.Джаббаров ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Бу соҳадаги тадқиқотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, айтиб ўтилган муаллифларнинг ишларида РТТ элементлари, РТТ МКБТ ДТ ва РТТларни ўзининг ишончилигини комплекс баҳолаш ва таъминлаш масалалари етарли даражада тадқиқ қилинмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган №Ф-248-08 «ОТАЛ учун сирт-акустик филтрларнинг (САФ) қўлланишини тадқиқ қилиш» ИТИ (2008-2009), №17-016 «Телерадиокўрсатишнинг аудио ва тасвирий дастурларини захиралаш усуллари ишлаб чиқиш» давлат илмий-техник дастури (2009-2011), №17/12 «Ўзбекистон Республикаси транспорт тармоғининг мавжуд синхронлаштириш тизимини таҳлил қилиш ва сифат кўрсаткичларини баҳолаш ҳамда синхронлаштириш тизимини оптималлаш бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқиш» (2012), №13/13 «Радиоэлектрон аппаратуралар бошқариш тизимлари дастурий таъминотининг ишончилигини баҳолаш услубларини тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш» (2013) хўжалик шартномалари, № БВ-Итех-2018-47 «IMEI (Халқаро мобил ускуналар идентификатори) орқали мобил қурилмаларни идентификация қилиш ахборот тизимини яратиш ва жорий этиш» инновацион ИТИ (2018-2019) доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади. Радиотехник тизимлар элементлари, радиотехник тизимлардаги микроконтроллерли бошқариш тизимларининг дастурий таъминоти, шунингдек радиотехник тизимларни ишончлилигини ҳисоблаш ва таъминлаш тамойиллари ҳамда самарали усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

интеграцияси юқори даражали интеграл микросхемаларнинг (ИМС) рад этиш сабабларини таҳлил қилиш асосида ИМСнинг ишончлилигини башоратлаш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

РТТ хотира қурилмаларининг (ХК) ишончлилигини ҳисоблаш учун аналитик ифодаларни аниқлаш;

радиотехник тизимлар рақамли-аналог ўзгартиргичларини (РАЎ) диагностика қилиш учун метрикани танлаш ва РАЎни диагностика қилиш услубини ишлаб чиқиш;

РТТнинг таркибига кирадиган ташкил этувчиларни таҳлил қилиш асосида тамойиллар ва тавсифлаш концепциясини ифодалаш ҳамда мураккаб РТТни бўлиш усулларини ишлаб чиқиш;

дастурий таъминотдаги рад этишлар ва узилишлар бўйича мавжуд статистик маълумотлар асосида РТТ МКБТ дастурий таъминотининг ишончлилигини ҳисоблаш услуби ва дастурини такомиллаштириш;

МКБТ ва ДТда рад этишларнинг тақсмоти қонунларининг турли тўпламларида РТТ МКБТ–ДТ комплексининг ишончлилигини ҳисоблаш аналитик ифодаларини ишлаб чиқиш;

оптик толали алоқа линиялар (ОТАЛ) ўтиш спектрал характеристикаларини чизиқлаштириш ва модификацияланган оптик кучайтиргичларнинг қўлланиши билан ОТАЛнинг ишончлилигини ошириш тамойиллари ва усулларини ишлаб чиқиш;

мобил алоқа тизимларининг ишончлилигини ҳисоблашнинг аналитик ифодалари, услуби ва дастурини ишлаб чиқиш;

мобил алоқа тизимларида ишлатиладиган ОТАЛ элементларининг ахборот параметрларини танлаш, ОТАЛ элементларини диагностика қилиш услублари ва қурилмаларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида дастурий таъминот, микроконтроллерли бошқариш тизимлар, радиотехник тизимлар ва оптик толали техника элементлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети РТТ элементлари, РТТ МКБТ ДТ, мобил алоқа тизимларининг ишончлилигини таъминлаш, РТТ МКБТ –ДТ комплексли ишончлилигини баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида қўйилган масалаларни ечишда математик ва сонли моделлаштириш усуллари, тизимли таҳлил, эҳтимоллар ва ишонччилик назариялари усуллари, шунингдек ҳисоблаш тажрибаларини ўтказиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

юқори интеграция даражали интеграл микросхемаларнинг ишончилигини башоратлаш бўйича тавсиялар ва рақам-аналог ўзгартиргичларнинг диагностика қилиш услуги ишлаб чиқилган;

мураккаб радиотехник тизимларни тавсифлаш тамойиллари ва концепцияси ифодаланган ҳамда мураккаб радиотехник тизимларни бўлиш усуллари ишлаб чиқилган;

радиотехник тизимлардаги микроконтроллерли бошқариш тизимларининг дастурий таъминотининг ишончилигини ҳисоблаш услуги такомиллаштирилган ҳамда микроконтроллерли бошқариш тизимлари ва дастурий таъминотида рад этишларнинг тақсимоти қонунларининг турли тўпламларида радиотехник тизимлардаги микроконтроллерли бошқариш тизими дастурий таъминот комплексининг ишончилигини ҳисоблаш аналитик ифодалари ишлаб чиқилган;

оптик толали алоқа линиялари ўтиш спектрал характеристикаларини чизиклаштириш ва модификацияланган оптик кучайтиргичларнинг қўлланиши билан оптик толали алоқа линияларининг ишончилигини ошириш тамойиллари ва усуллари ишлаб чиқилган;

GSM-900 стандарти мобиль алоқа тизимларининг ишончилигини ҳисоблашнинг аналитик ифодалари ва услуги ишлаб чиқилган;

мобиль алоқа тизимларида ишлатиладиган оптик толали алоқа линиялари элементларининг ишончилиги ахборот параметрлари аниқланган, оптик толанинг яхлитлиги ва SFP модулларнинг ишлаш қобилиятини диагностика қилиш услуги ва қурилмаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

РТТ элементлари ва радиотехник тизимларнинг ишончилиги бўйича асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш жараёнини вақтини 8-10 мартага қисқартиришга имкон берадиган РТТ МКБТ ДТ, GSM-900 стандарти мобил алоқа тизимининг ишончилигини ҳисоблаш, РТТ РАЎ диагностика қилиш, сирт-акустик тўлқинлар (САТ) асосидаги филтърнинг топологиясини ҳисоблаш дастурлари ишлаб чиқилган;

югурма тўлқин кучайтиргич (ЮТК) турдаги оптик кучайтиргич ва акустик оптик қайта созланадиган филтърнинг биргаликда қўлланиши ОТАЛнинг ўтиш спектрал характеристикаларини чизиклаштиришга имкон беради, чизиклаштиришдаги ўртача ютуқ 1,8 - 2,0 дБни ташкил этиши, бу билан регенерацион ораликнинг узунлигини ортиши ва мос равишда ОТАЛнинг ишончилигини ортиши ўрнатилган;

таклиф этилган активлаштирилган оптик толаларни тайёрлаш усули ва модификацияланган оптик кучайтиргичларнинг қўлланиши оптик сигналнинг қувватини шовқинга нисбати қийматини 3 дБга оширади, бу хизмат кўрсатилмайдиган ораликнинг узунлигини оширади, қиммат турадиган регенерацион қурилмалар сонини қисқартиради ва ОТАЛнинг ишончилиги оширади;

оптик толанинг яхлитлиги ва SFP модулларнинг ишлаш қобилиятини текширишга ва диагностика қилиш вақтини ўртача 10-20%га қисқартиришга имкон берадиган РТТнинг тугунлараро, блоклараро боғланишларида

ишлатиладиган ОТАЛ элементларини диагностика қилиш қурилмаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги РТТ элементлари, РТТ МКБТ ДТ ва РТТни ўзининг ишончлилигини ҳисоблаш ва таъминлаш бўйича усулларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқишни ўтказишда масалаларнинг қўйилишини тўғрилиги билан асосланади, бунда олинган натижаларни реал маълумотлар билан текшириш, шунингдек олинган натижаларни сифат жиҳатдан ва миқдоран баҳолаш билан бажарилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти РТТ элементлари, РТТ МКБТ ДТ ва РТТларни ўзининг ишончлилигини ҳисоблаш ҳамда таъминлаш бўйича усуллар ва услублар, аналитик ифодалар ва ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат.

Диссертация иши натижаларининг амалий аҳамияти ҳисоблаш жараёнини қисқартиришга имкон берадиган РАЎни диагностика қилиш, РТТ МКБТ ДТнинг ишончлилигини, САТ-фильтр топологиясини, мобил алоқа тизимининг ишончлилигини ҳисоблаш бўйича дастурлар комплекси, ОТАЛнинг ишончлилигини оширишга имкон берадиган ЮТК турдаги оптик кучайтиргич ва акустик оптик қайта созланадиган филтронинг (АОҚСФ) биргаликда қўлланиши, активлаштирилган оптик толаларни тайёрлаш усуллари, оптик толанинг яхлитлиги ва SFP модулларнинг ишлаш қобилиятини текшириш учун ОТАЛ элементларини диагностика қилиш қурилмасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Радиотехник тизимлар элементларининг ишончлилигини ҳисоблаш, ошириш ва таъминлаш усуллари, оптик толали алоқа линияларининг ўтиш спектрал характеристикаларини чизиклаштириш ҳамда модификацияланган оптик кучайтиргичларнинг қўлланилиши асосида:

ишлаб чиқилган юқори интеграция даражасидаги интеграл микросхемаларнинг ишончлилигини башоратлаш бўйича тавсиялар ва рақамли-аналог ўзгартиргичларни диагностика қилиш услуги, шакллантирилган мураккаб радиотехник тизимларни тавсифлаш тамойиллари ва концепцияси, ишлаб чиқилган мураккаб радиотехник тизимларни бўлиш усуллари «UNICON.UZ» ДУКда лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш жараёнида ва илмий тадқиқот ишларини ўтказишда, «Aloqaloyiha» ДУКда рақамли-аналог ўзгартиргичларни диагностика қилишда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 10 сентябрдаги 33-8/6299-сон маълумотномаси). Натижада бу ҳисоблаш жараёни вақтини 8–10 мартага қисқартиришга имкон берган;

такмиллаштирилган радиотехник тизимлардаги микроконтроллерли бошқариш тизимларининг дастурий таъминотининг ишончлилигини ҳисоблаш услуги ва ишлаб чиқилган микроконтроллерли бошқариш тизимлари ҳамда дастурий таъминотда рад этишларнинг тақсимоти

қонунларининг турли тўпламларида радиотехник тизимлардаги микроконтроллерли бошқариш тизими дастурий таъминот комплексининг ишончилигини ҳисоблаш аналитик ифодалари «UNICON.UZ» ДУКда, «Aloqaloyiha» ДУКда радиотехник тизимлардаги микроконтроллерли бошқариш тизимлари дастурий таъминотнинг ишончилиги асосий кўрсаткичларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш жараёнига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 10 сентябрдаги 33-8/6299-сон маълумотномаси). Натижада ишончилик кўрсаткичларини ҳисоблаш аниқлигини ошириш имконияти яратилган;

“Алоқа узатишда оптололи тизимлар спектрал характеристикаларини оптималлаштириш ва тасҳислаш қурилмаси” учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ IAP 04465-2009 й.). Натижада чизиқлаштиришда 1,8–2,0 дБ атрофидаги ўртача ютуқни олишга имкон берган, регенерацион оралиқнинг узунлигини ва оптик толали алоқа линияларининг ишончилигини оширган;

“Фаоллаштирилган оптик толалар ярим маҳсулотини тайёрлаш усули” учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ IAP 04944-2012 й.). Натижада бошқа тенг шароитларда оптик толали алоқа линия оралиғининг рад этмасдан ишлаш ўртача вақтини 7–8% га ва бузилмасдан ишлаш эҳтимоллигини йилига ўртача 2,5–3% га оширган;

ишлаб чиқилган GSM-900 стандартдаги мобиль алоқа тизимининг ишончилигини ҳисоблашнинг аналитик ифодалари ва услуги «UNICON.UZ» ДУКда лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш жараёнида ва илмий-тадқиқот ишларини ўтказишда, «Aloqaloyiha» ДУКда GSM-900 стандартдаги мобил алоқа тизимининг асосий ишончилик кўрсаткичлари ҳисоблаш ва лойиҳалашда, «Ўзбектелеком» АК Uzmobilе филиалида асосий ишончилик кўрсаткичларини таъминлаш учун мобиль алоқа тармоқларини лойиҳалаш ва ишлатишда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 10 сентябрдаги 33-8/6299-сон маълумотномаси). Натижада бу ҳисоблаш жараёнини 8–10 мартага қисқартириш имконини берган;

аниқланган мобиль алоқа тизимларида ишлатиладиган оптик толали алоқа линия элементларининг ишончилиги ахборот параметрлари, ишлаб чиқилган оптик толанинг яхлитлиги ва SFP модулларнинг ишлаш қобилиятини диагностика қилиш услуги ва қурилмаси “Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика маркази” ДУКда телекоммуникацион тизимларни лойиҳалаш ва ишлатиш жараёнига, «Aloqaloyiha» ДУКда реал алоқа тизимларини лойиҳалашда оптик толали кабеллар ва SFP модулларни диагностика қилиш учун, «Ўзбектелеком» АК Uzmobilе филиалида асосий ишончилик кўрсаткичларини таъминлаш учун мобил алоқа тармоқларини лойиҳалаш ва ишлатиш жараёнига, «Uzneftgazaloqa» ИЧАТБ МЧЖда корхонанинг лойиҳавий ишларига жорий

этилган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 10 сентябрдаги 33-8/6299-сон маълумотномаси). Натижада оптик толали алоқа линия элементлари, оптик толанинг яхлитлиги ва SFP модулларнинг ишлаш қобилиятини диагностика қилиш вақти ўртача 10–20% га қисқарган.

Тадқиқотлар натижаларининг апробацияси. Бу тадқиқотларнинг натижалари 16 та халқаро ва 4 та республика илмий-техник ва илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқотлар мавзуси бўйича барчаси бўлиб 54 та илмий ишлар, улардан 2 та монография, 2 та Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти, 14 та мақолалар Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган журналларда, шу жумладан 2 та хорижий, 12 та республика миқёсидаги журналларда, 7 та илмий мақолалар бошқа тўпламлар ва жураналларда, 19 та тезис халқаро ва 6 та тезис республика илмий-техник ва илмий-амалий конференцияларида чоп этилган, шунингдек ЭҲМ учун яратилган дастурий маҳсулотларни рўйхатга олишга 4 та гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши 195 бетни ташкил этади, бешта боб, ҳулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНING АСОСИЙ МАЗМУНИ

Киришда диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган, унинг объекти ва предмети аниқланган тадқиқотнинг, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги аниқланган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларнинг амалиётга жорий этиш рўйхати, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи «**Радиотехник тизимларнинг ишонччилигини таҳлил қилиш ва ҳолати**» бобда РТТ ишонччилигини миқдорий кўрсаткичларини назарий-аналитик таҳлили ва ишонччилик кўрсаткичларининг аналитик ифодалари келтирилган. Радиотехник тизимларнинг ишонччилигини ҳисоблаш ва ошириш усуллари кўриб чиқилган ва таснифланган.

Биринчи бобнинг ҳулосасида ўтказилган таҳлил бўйича асосий ҳулосалар келтирилган, бу ерда замонавий РТТ рад этишлардан кейин қайта тикланиши ва ишлашни давом эттириши мумкин бўлган қайта тикланадиган тизим ҳисобланиши ўрнатилган. Миқдоран тизимнинг қайта тикланувчанлиги қуйидаги параметрлар орқали баҳоланади: қайта тикланиш эҳтимоллиги, қайта тикланиш интенсивлиги (жадаллиги), ўртача қайта тикланиш вақти. РТТнинг ишонччилигини баҳолаш учун яна қуйидаги

комплекс кўрсаткичлар ишлатилади: тайёрлик коэффициенти, фойдаланиш коэффициенти ва оператив фойдаланиш коэффициенти. У ёки бу ишончилиликни ҳисоблаш усулининг қўлланиши зарурати ишончилиликни ҳисоблаш ўтказиш зарур бўладиган босқич (ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ишлатиш), РТТнинг мураккаблиги, ишлатиш жойи ва шароитлари ва бошқалар орқали аниқланиши кўрсатилган.

Ишончилиликни ошириш учун радиотехник тизимларда тузилмавий заҳиралаш энг кенг қўлланиши ўрнатилган. Заҳиралаш натижасида олинадиган ишончилилик бўйича ютуқ заҳирани бўлиш (сегментлаштириш) ҳисобига ортади, яъни элементлаб заҳиралаш энг самарали ҳисобланади, лекин бунинг учун ёрдамчи қурилмаларнинг сонини ошириш зарур бўлади.

Иккинчи «**Радиотехник тизимлар элементларининг ишончилигини ҳисоблаш ва таъминлаш усуллари**» боби РТТ интеграл микросхемаларининг ишончилигини ҳисоблаш ва башоратлаш, РТТ хотира қурилмаларини (ХК) тестлаш ва диагностика қилиш усуллари таҳлил қилиш, РТТ рақамли-аналог ўзгартиргичларни диагностика қилиш ва аналог-рақамли ўзгартиргичларнинг (АРЎ) ишончилигини баҳолаш услубларини ишлаб чиқишга бағишланган.

Талаб қилинадиган ишончилилик кўрсаткичлари ИМСларни ишлаб чиқишда ишончилиликни башоратлаш масалаларига эътибор бериш зарур, бунда иккита асосий ёндашишлар қўлланади. Биринчи ёндашишда тестланадиган ва башоратланадиган ИМСни тайёрлаш асосий технологик операцияларининг бир хиллиги, уларнинг ишончилиги эса фақат ишончсизлик компонентларининг сони билан фарқланиши кўзда тутилади ва тестланадиган ИМСнинг рад этишлар интенсивлиги қуйидаги нисбат орқали аниқланади.:

$$\lambda_{\text{Т.ИМС}} = \lambda_{\text{ВС1}} N_{\text{ВС0}} + \lambda_{\text{КС1}} N_{\text{КС0}} + \lambda_{\text{К1}} N_{\text{К0}} + \lambda_{\text{П1}} S_{\text{П0}}, \quad (1)$$

бу ерда $N_{\text{ВС0}}$ — тестланадиган ИМСнинг ташқи уланишлари сони;

$N_{\text{КС0}}$ — тестланадиган ИМСнинг ички уланишлари сони;

$N_{\text{К0}}$ — битта кристаллга корпусларнинг ўртачаланган сони;

$S_{\text{П0}}$ — кристаллнинг ўртача актив майдони;

$\lambda_{\text{ВС1}}$ — битта ички қаршиликка келтирилган ташқи уланишларнинг рад этишлари интенсивлиги;

$\lambda_{\text{КС1}}$ — битта ички қаршиликка келтирилган ички уланишларнинг рад этишлари интенсивлиги;

$\lambda_{\text{К1}}$ — битта ИМС корпусига келтирилган корпуснинг рад этишлари интенсивлиги;

$\lambda_{\text{П1}}$ — кристалл сиртининг бирлигига келтирилган кристаллнинг рад этишлари интенсивлиги

Иккинчи ёндашишда ИМСнинг ишончилигини башоратлаш ИМСнинг ишончилиги ИМС топологиясининг геометрик ўлчамлари, назорат қилиш режими, ҳарорат, шунингдек бошқа ишлатиш шароитларига боғлиқлигига

асосланади. Бу ҳолда МДЯЎ-технология асосидаги ИМСнинг рад этишлар интенсивлигининг ишончилигини башоратлаш учун қуйидаги тарзда аниқланади:

$$\lambda_{\text{ИМС}} = (\lambda_{\text{ОК}} S_{\text{МЕТ}} + \lambda_{\text{КР.КР}} \alpha_{\text{ЭЦ}}) \alpha_{\text{T}} \alpha_{\text{И}} + (\lambda_{\text{В}} N_{\text{В}} + \lambda_{\text{МЕТ}} S_{\text{МЕТ}}) \alpha_{\text{ЭЦ}} \alpha_{\text{T}} \alpha_{\text{И}} + \lambda_{\text{ДИФ}} N_{\text{ДИФ}} + \lambda_{\text{КР}} \alpha_{\text{ЭЦ}} \chi + \lambda_{\text{П.ДФ}} S_{\text{КР}} + \lambda_{\text{СТР}} S_{\text{КР}} \alpha_{\text{П}}, \quad (2)$$

бу ерда $\lambda_{\text{ОК}}$ – металлштириш остидаги оксид қатламнинг нуқсонига боғлиқ бўлган ИМСнинг рад этишлари интенсивлиги;

$\lambda_{\text{КР.КР}}$ – кристаллнинг корпусга сифатсиз маҳкамланишига боғлиқ бўлган ИМСнинг рад этишлари интенсивлиги;

$\lambda_{\text{В}}$ – контакт майдончалар билан кавшарлаш боғланишларининг рад этишларига боғлиқ бўлган ИМСнинг рад этишлари интенсивлиги;

$\lambda_{\text{МЕТ}}$ – металлштириш нуқсонларига боғлиқ бўлган ИМСнинг рад этишлари интенсивлиги;

$\lambda_{\text{ДИФ}}$ – диффузия жараёнининг нуқсонларига боғлиқ бўлган ИМСнинг рад этишлари интенсивлиги;

$\lambda_{\text{КР}}$ – корпуснинг ичида ташқи уланишларга боғлиқ бўлган ИМСнинг рад этишлари интенсивлиги;

$\lambda_{\text{П.ДФ}}$ – сирт нуқсонларига боғлиқ бўлган ИМСнинг рад этишлари интенсивлиги;

$\lambda_{\text{СТР}}$ – тузилмавий нуқсонлар ва кристаллга уланишга боғлиқ бўлган ИМСнинг рад этишлари интенсивлиги;

$S_{\text{МЕТ}}$ – металлштириш майдони;

$S_{\text{КР}}$ – кристаллнинг майдони;

$N_{\text{В}}$ – кавшарлаш боғланишларининг сони;

$N_{\text{ДИФ}}$ – диффузия поғоналарининг сони;

χ – актив элементлар ва металлштиришнинг ҳақиқий майдонини 0,645 сонга нисбати;

$\alpha_{\text{И}}$ – ИМСни қабул қилиш-топшириш синовларининг катъийлигини ҳисобга оладиган коэффициент;


α_{T} – микросхемани ишлатиш ҳарорат бўйича режимини ҳисобга оладиган коэффициент;

$\alpha_{\text{ЭЦ}}$ – бошқа ишлатиш шароитларини ҳисобга оладиган коэффициент.

Хотира қурилмаси РТТ микроконтроллерли бошқариш тизимларининг таркибига кирадиган асосий элементлардан бир эканлиги кўрсатилган. ХҚ хотира матрицасидан (ХМ) ташкил топган бўлиб, у хотира ячейкалари, маълумотларнинг бир бирлигини (1 битни) сақлайдиган ХҚ элементлари ва ХҚни бошқариш электроникасини ўз ичига оладиган бошқариш блокдан (ББ) ташкил топган (1- расм). Агар 1- расмдаги ташкил этувчилардан исталганининг рад этиши бутун ХҚнинг рад этишига олиб келади деб олинса, у ҳолда ХҚнинг рад этмасдан ишлаш эҳтимоллиги қуйидагича бўлади:

$$P_{\text{ХК}}(t) = P_{\text{ББ}}(t)P_{\text{ХМ}}(t), \quad (3)$$

бу ерда $P_{\text{ББ}}(t)$ – ХК бошқариш блокининг рад этмасдан ишлаш эҳтимоллиги;
 $P_{\text{ХМ}}(t)$ – ХК хотира матрицасининг рад этмасдан ишлаш эҳтимоллиги.



1- расм. ХКнинг умумлаштирилган тузилиш схемаси

Заҳираланмаган ХК бўлганда ХКнинг рад этмасдан ишлаш эҳтимоллиги қуйидаги нисбатдан аниқланиши мумкин:

$$P_{\text{Зу}}(t) = \prod_{i=1}^{n_m} p_i^{n_k}(t), \quad (4)$$

бу ерда n_m – ХКдаги элементлар, тугунлар ва блоklar турларининг сони;
 n_k – битта турдаги ХК элементлари, тугунлари ва блоklarининг сони;
 $p_i(t)$ – i -элемент, тугун ва блокнинг рад этмасдан ишлаш эҳтимоллиги.


Тузатувчи кодлардан фойдаланиладиган ХКнинг рад этмасдан ишлаш эҳтимоллиги қуйидаги тарзда аниқланади:

$$P_{\text{ХК}}(t) = P_{\text{ББ}}(t) \sum_{j=1}^{n_\omega} \omega_j \left\{ \sum_{i=0}^{l_k} C_{n_{\text{ХК}}}^i P_{\text{ХМ}_j}^{n_{\text{ХК}}-1}(t) [1 - P_{\text{ХМ}_j}(t)]^i \right\}^{\frac{N_{\text{ХК}}}{N_j}}, \quad (5)$$

бу ерда ω_j – умумий рад этишлар сонида j - турнинг рад этишлари улуши;
 n_ω – рад этишлар турларининг сони;
 l_k – код тузатадиган хатоликларнинг разрядлилиги;
 $N_{\text{ХК}}$ – ХКда сақланадиган сўзлар сони;
 N_j – j - тур рад этганда бузилган манзиллар сони;
 $n_{\text{ХК}}$ – ХКда сақланадиган сўзларнинг разрядлилиги;
 $P_{\text{ХМ}_j}(t)$ – ХМнинг j - турнинг рад этишларига нисбатан рад этмасдан ишлаш эҳтимоллиги;
 $C_{n_{\text{ХК}}}^i$ – i бўйича $n_{\text{ХК}}$ разрядлардан бирикмалар сони.

РТТ РАЎни диагностика қилиш кўриб чиқилган ва РАЎ унинг вазифаси, қўлланиши жойи, ишлаш шароитлари ва бошқалар орқали аниқланадиган турли кўрсаткичлар ва параметрларнинг катта сонига эгаллиги аниқланган.

РАЎни диагностика қилишнинг энг яхши усули синов сигналларининг қўлланиши ҳисобланиши ўрнатилган (2- расм).



2- расм. Синув сигналлари ёрдамида РАЎни диагностика қилиш

Ишлаб чиқиш босқичида РАЎни диагностика қилиш бўйича метрика сифатида $PSNR$ (Peak Signal-to-Noise Ratio) сигнални шовқинга максимум нисбати кўрсаткичидан фойдаланиш таклиф этилади. $PSNR$ сигналнинг бўлиши мумкин максимуми ва сигналнинг қийматини бузадиган шовқиннинг қувватига нисбати ҳисобланади:

$$PSNR = 10 \lg \frac{n \cdot \max_i |P_i|}{\sum_{i=1}^n (P_i - Q_i)^2}, \quad (6)$$

бу ерда P_i – дастлабки (биринчи) сигнал;

Q_i – қайта тикланган (иккинчи) сигнал;

n – $PSNR$ нисбатни ҳисоблаш учун олинган қийматлар сони;

$\max_i |P_i|$ – дастлабки (биринчи) сигналнинг берилган ораликдаги максимал (модуль бўйича) қиймати.

Ишлаш ишончилигини характерлайдиган кўп сонли кўрсаткичларга эга бўлган РТТ аналог-рақамли ўзгартиргичларининг ишончилигини баҳолаш усуллари кўриб чиқилган. АРЎнинг информатив параметрлари таҳлили бажарилган ва АРЎнинг ишончилигини информатив параметрлар бўйича баҳолаш алгоритми таклиф этилган.

РТТ АРЎнинг ишончилиги бўйича энг катта маълумотларни қуйидаги информатив параметрлар бўйича олиш мумкинлиги ўрнатилган: интеграл нозизиқлилиқ (INL); дифференциал нозизиқлилиқ (DNL); ўзгартириш коэффицентининг хатолиги; сигнал/шовқин нисбати (SNR).

АРЎнинг ишончилигини баҳолашнинг йиғиндиси гармоникалар коэффицентини кириш сигналнинг частотасига, АРЎнинг сигнал/(шовқин+ҳалақит) нисбатини кириш сигналнинг амплитудаси ва частотасига боғлиқликларини олиш билан экспериментал олиш мумкинлиги аниқланган

Учинчи «Рад этишларни аниқлаш усуллари ишлаб чиқиш ва мураккаб радиотехник тизимларнинг ишончилигини ҳисоблаш» бобида мураккаб РТТни тавсифлаш концепцияси ва бўлиш усуллари ифодаланган, рақамли РТТларнинг рад этишлари ва узилишларини аниқлаш усуллари келтирилган, МКБТ ва дастурий таъминот комплексининг ишончилигини ҳисоблаш услуги, мобил алоқа тизимининг ишончилигини ҳисоблаш услуги ишлаб чиқилган.

Интеграл микросхемалар функционал имкониятлари, интеграцияси даражаси, мураккаблигининг ортиши янги синфдаги РТТ – мураккаб

РТТларнинг вужудга келганлиги кўрсатилган, улар қуйидаги ташкил элтувчилардан иборат: ўзаро боғланган элементлар, тизимлар ва нимтизимлар. Мураккаб радиотехник тизимни тавсифлаш концепцияси ифодаланган:

1) Қаралаётган мураккаб радиотехник тизим мураккаб тизимнинг нимтизимлари дейиладиган чекли қисмлар сонига бўлиниши мумкин. Ҳар бир нимтизим янада кичик нимтизимларнинг чекли сонига бўлиниши ва ҳ.к. мураккаб тизимнинг элементлари дейиладиган қисмларгача натижавий чекли қадамлар сонини олишгача бўлиш мумкин, уларга нисбатан бу масаланинг шартларида улар кейинги қисмларга бўлинмайди деган келишиш мавжуд.

2) Мураккаб тизимнинг элементлари бир-бирларидан ажралмаган ҳолда, балки умумий ҳолда бирининг хоссаси бошқа элементларнинг ўзини тутиши орқали аниқланадиган шароитларга боғлиқ бўладиган ўзаро таъсирлашишда ишлайди

3) Радиотехник тизимларнинг хоссалари умуман олганда нафақат элементларнинг хоссалари орқали, балки элементлар орасидаги ўзаро таъсирлашиш характери орқали аниқланади.

Мураккаб РТТни «пастдан – юқорига» оддий элементдан мураккаб тизимга ва «юқоридан – пастга» мураккаб тизимдан оддий элементга бўлиш усуллари таклиф этилган.

Рақамли РТТларда (РРТда) микроконтроллерли тизимларнинг (МКТ) кенг жорий этилиши диагностика қилиш жараёнини автоматлаштиришга ва кенг функционал имкониятларга эга бўлган диагностика қилиш қурилмасини яратишга имкон беради (3- расм).



3- расм. Диагностика ва назорат қилиш МКТнинг тузилиш схемаси:
МКТ (ва ДТ) – дастурий таъминотли микроконтроллерли тизим;
ТБ1...ТБn - 1...n- тестланувчи блоklar


МКТда яна РРТ блоklarида махсус тарзда сиқилган тўлиқ тестлаш маълумотларини таҳлил қилиш асосида РРТ блоklarининг яроқлилигини текшириш усули ҳисобланадиган компакт тестлаш воситалари орқали ўтказишга имкон берадиган алгоритмлар ишлатилиши мумкин.

РТТ рақамли блоklarи микрохемаларининг чиқишларидаги ностабил сигнатуралар сонини сигнатурали таҳлил қилиш (СТҚ), бирларни санаш (БС), мантиқий ўтишларни санаш (МЎС) усуллари асосида ва барча учта усуллардан СТҚ - БС - МЎС биргаликда фойдаланишда аниқлаш бўйича экспериментлар ўтказилган. Олинган натижаларини талқин этишга боғлиқ бўлган ўлчаш ва назорат қилиш вақти сезиларсиз ортишида назорат қилишнинг аниқлилиги нуқтаи назаридан РРТ рақамли блоklarини назорат

қилиш учун СТҚ, БС ва МЎТ усулларидан биргаликда фойдаланиш энг самарали эканлиги экспериментал йўл билан ўрнатилган.

Замонавий микроконтроллерли бошқариш тизимларининг ишлаш ишончилигини баҳолашда дастурий таъминотнинг ишончилигига ҳам эътибор бериш зарурлиги исботланган.

ДТдаги рад этишлар ва узилишлар бўйича мавжуд статистик маълумотлар асосида МКБТ ДТнинг ишончилигини баҳолашга имкон берадиган алгоритм ва дастурий таъминот ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган услуб ва ўтказилган ҳисоблаш экспериментлари асосида ДТни тестлаш вақтининг ортиши билан ДТнинг рад этишлар интенсивлиги камайиши исботланган (4- расм). Бу вақт ўтиши билан кўп сонли хатоликлар аниқланиши, яъни уларнинг дастурдаги сонини камайишига боғлиқ, бу ДТнинг ишлаш ишончилигини ортишига олиб келади.



4- расм. ДТнинг рад этишлар интенсивлиги вақтга боғлиқлиги

МКБТ аппаратлар қисмининг рад этишлари ва ДТнинг рад этишларининг вужудга келиши бир-бирларига боғлиқ бўлмаганда ва ташкил этувчилардан исталганининг рад этиши бутун интенсивлиги МКБТ-ДТ тизимининг рад этишига олиб келишида ишончилик бўйича мантиқий боғланиш схемаси 5-расмдаги кўринишга эга бўлади.

5- расмдаги вазият учун МКБТ-ДТ комплексининг бузилмасдан ишлаш эҳтимоллиги куйидаги тарзда аниқланади.

$$P_{\text{МКБТ-ДТ}}(t) = P_{\text{Ап}}(t) \cdot P_{\text{ДТ}}(t). \quad (7)$$

МКБТ ва ДТдаги рад этишлар турли тақсимот қонунларига бўйсунishi мумкинлиги ўрнатилган. МКБТ ва ДТдаги рад этишлар ўз қонунлари бўйича тақсимланганда МКБТ-ДТ комплексининг рад этишлари йиғиндисинг тақсимотини аниқлаш учун иккита тақсимот қонунларини композициялашни амалга ошириш зарур:

$$g(y) = \int_{-\infty}^{\infty} \int_{-\infty}^{\infty} f_1(x_1)f_2(x_2)dx_1dx_2 =$$

$$= \int_{-\infty}^{\infty} f_1(x_1)f_2(y - x_1)dx_1 = \int_{-\infty}^{\infty} f_1(y - x_2)f_2(x_2)dx_2, \quad (8)$$

бу ерда $f_1(x_1)$ – МКБТда рад этишларнинг тақсимоти функцияси;
 $f_2(x_2)$ – ДТдаги рад этишларнинг тақсимоти функцияси.



5- расм. МКБТ-ДТ комплексининг ишончилиги бўйича мантиқий боғланиш схемаси: $P_{АП}(t), \lambda_{АП}(t)$ – МКБТ аппаратлар қисмининг бузилмасдан ишлаш эҳтимоллиги ва рад этишлари интенсивлиги; $P_{ДТ}(t), \lambda_{ДТ}(t)$ – МКБТ ДТнинг бузилмасдан ишлаш эҳтимоллиги ва рад этишлари интенсивлиги

МКБТ-ДТ комплексининг рад этишлари йиғиндисининг тақсимоти қонунини аниқлашнинг айрим хусусий ҳоллари келтирилган.

GSM-900 стандарти мобил алоқа тизимининг ишончилигини ҳисоблаш услуби ишлаб чиқилган. Мобил алоқа тизимининг ишончилигини ҳисоблаш учун аналитик ифодаларни чиқаришда қуйидагилар қабул қилинган:

- 1) мобил алоқа тизими нормал ишлатиш даврида ишлайди;
- 2) мобил алоқа тизимидаги рад этишлар ва узилишлар экспоненциал тақсимот қонунига бўйсунди;
- 3) мобил алоқа тизимининг ташкил этувчиларидан исталганининг рад этиши бутун тизимнинг рад этишига олиб келади;
- 4) ишончилигини ҳисоблаш учун аналитик ифодалар GSM-900 стандарти мобил алоқа тизими учун келтирилади.



Иккита хусусий ҳоллар кўриб чиқилган:

- тармоқнинг иккита абонентларига битта базавий станция орқали хизмат кўрсатилади;
- тармоқнинг иккита абонентларига битта BSC контроллери зонасидаги битта операторнинг иккита базавий станциялари орқали хизмат кўрсатилади.

Ишончилиқни ҳисоблаш учун мобил алоқа тизимининг тузилмаси, бу мобил алоқа тармоғининг ташкил этувчиларининг ишончилиқ бўйича тузилмавий-мантиқий боғланиш схемаси ва бу иккита ҳоллар учун аналитик ифодалар ишлаб чиқилган (6- расм).



Қуйидаги белгилашлар қабул қилинган:

- $\lambda_{MS1}, \lambda_{MS2}$ – мобил станцияларнинг рад этишлари интенсивлиги;
- $\lambda_1, \lambda_2, \lambda_3, \lambda_4, \lambda_5, \lambda_6$ - алоқа линияларининг рад этишлари интенсивлиги (ишлатиладиган алоқа линиялари – радиолиния, кабелли, радиорелели, оптик ва бошқа линияларининг турига боғлиқ);
- $\lambda_{BTS}, \lambda_{BTS1}, \lambda_{BTS2}$ – базавий станциянинг рад этишлари интенсивлиги;
- λ_{BSC} – базавий станция контроллерининг рад этишлари интенсивлиги;
- λ_{TCE} – трансдернинг рад этишлари интенсивлиги;
- λ_{SSS} - коммутациялаш нимтизимининг рад этишлари интенсивлиги.



$$\lambda_{1-ymym} = \lambda_{MS1} + \lambda_2 + \lambda_{MS2} + \lambda_1 + \lambda_{BTS} + \lambda_3 + \lambda_{BSC} + \lambda_4 + \lambda_{TCE} + \lambda_5 + \lambda_{SSS} \quad (9)$$

а)



$$\lambda_{2-ymym} = \lambda_{MS1} + \lambda_1 + \lambda_{BTS1} + \lambda_2 + \lambda_{MS2} + \lambda_3 + \lambda_{BTS2} + \lambda_4 + \lambda_{BSC} + \lambda_5 + \lambda_{TCE} + \lambda_6 + \lambda_{SSS} \quad (10)$$

б)

6- расм. GSM-900 стандарти мобил алоқа тизимининг тузилиш схемалари, ишончлилик бўйича боғланиш ва қуйидаги ҳоллар учун аналитик ифодалар: а) тармоқнинг иккита абонентларига битта базавий станция орқали хизмат кўрсатилади; б) тармоқнинг иккита абонентларига битта BSC контроллери зонасидаги битта операторнинг иккита базавий станциялари орқали хизмат кўрсатилади

Мобил алоқа тизимининг ишончлилиги бўйича максимал маълумотларга эга бўлган параметрлар аниқланган. Алгоритм асосида мобил алоқа тизимининг ишончлилигини ҳисоблаш дастури ишлаб чиқилган.

Тўртинчи «**Оптик толали алоқа линияларини ишончлилигини ошириш ва диагностика қилиш усуллари ишлаб чиқиш**» боби оптик толали алоқа линияларини (ОТАЛ) диагностика ва назорат қилиш усуллари, ОТАЛнинг ишончлилигини ошириш усули, мобил алоқа тизимининг ОТАЛ элементларини диагностика қилиш услубини ишлаб чиқишга бағишланган.

Оптик толали кабелга таъсир этиш бўйича омиллар иккита синфларга – атроф-муҳит таъсирига ва инсон фаолиятига боғлиқ омилларга бўлиниши аниқланган.

Бу омилларнинг ўзаро алоқаси ва уларнинг ОТКга таъсири оқибатлари келтирилган ҳамда толанинг макробукилиш ва микробукилиши, яшин зарбига, сув ва намликка, водород ва радиацияга физик ёки кимёвий реакция толадаги сигналнинг сўнишини ортишига олиб келиши ўрнатилган. Толанинг қолдиқ деформацияси пухталиқнинг камайишига, толанинг динамик деформацияси эса толанинг узилишига олиб келади. ОТАЛни диагностика қилишнинг айрим асосий усуллари кўриб чиқилган.

Каналлар спектрал зичлаштириладиган магистрал юқори тезликли оптик толали узатиш тизимларида (ОТУТ) оптик югурма тўлқин кучайтиргичларидан (ЮТК) фойдаланиш гуруҳли оптик сигналнинг спектрал характеристикасини бузилишига олиб келиши, улар кўп каррали кучайтиришдан кейин кучайтириладиган спектрнинг четларида бўлган гуруҳли сигнал ташкил этувчиларини тўлиқ ёки қисман йўқотилишига олиб келиши ўрнатилган. Ҳар бир югурма тўлқин кучайтиргичининг ўтиш характеристикасини чизиклаштириш бу бузилишларни камайтиришга имкон бериши исботланган.

ОТУТнинг ўтиш спектрал характеристикаларини чизиклаштиришга имкон берадиган оптик толали маълумотларни узатиш тизимларининг спектрал характеристикаларини диагностика қилиш ва оптималлаш учун қурилма ишлаш чиқилган ва оптик югурма тўлқин кучайтиргичлари ва акустик-оптик қайта созланадиган филтрларнинг биргаликда қўлланиши оптик спектрал зичлаштиришли ОТАЛда ўтиш спектрал характеристикасининг контурини чизиклаштириш учун самарали эканлиги экспериментал исботланган. Чизиклаштиришдаги ўртача ютуқ 1,8 - 2,0 дБни ташкил этади. Бу регенерацион ораликнинг узунлигини оширишга имкон беради ва умумий ҳолда ОТАЛнинг ишончлилигини оширишга олиб келади.

Активлаштирилган оптик толаларни тайёрлаш усули таклиф этилган ва юқори тезликли ОТУТларда модификацияланган оптик толаларнинг қўлланиши оптик кабелнинг спектрал самарадорлиги ва ўтказиш қобилиятини ошириш ҳисобига сигналнинг чизикли шаклини битта сатҳда сақлашга имкон бериши, бу оралик кучайтиргичлар қўлланмасдан масофани 100 кмгача оширишини таъминлаши исботланган. Юқори тезликли ОТУТларда қисқа-масофали оптик кучайтиргичлардан фойдаланиш оптик сигналнинг қувватини шовқин нисбати қийматини 3 дБга (икки мартага) ошириши, бу регенерацион пунктларнинг оралик масофасини 30%га оширишга ва регенерацион қурилмалар сонини 1,5 мартага камайтиришга, бу билан қиммат турадиган регенерацион қурилмалар сонини қисқартиришга имкон бериши исботланган.

200 км узунликдаги стандарт ОТАЛ оралиғида фақат ОТК ва хизмат кўрсатилмайдиган регенерацион пунктлар (ХКРП) бўладиган вазиятлар учун ишончлилик кўрсаткичлари ютуқларини баҳолаш бажарилган (7- расм).

ОТАЛ оралиғи нормал ишлаш даврида ишлаши, ташкил этувчиларнинг рад этишлари интенсивлиги доимий, ОТК ва ХКРПдагирад этишлар қуйидаги экспоненциал қонунга бўйсунуши қабул қилинган:

$$P(t) = e^{-\lambda t}. \quad (11)$$

ОТАЛ оралиғининг рад этишлари интенсивлиги қуйидаги нисбат орқали аниқланади:


$$\lambda_{\text{общ}} = L \cdot \lambda_{\text{отк}} + n_{\text{ХКРП}} \cdot \lambda_{\text{ХКРП}}, \quad (12)$$

бу ерда L – оптик толали кабелнинг узунлиги;

$\lambda_{\text{ОТК}}$ – оптик толали кабелнинг рад этишлари интенсивлиги;

$n_{\text{ХКРП}}$ – ХКРПлар сони;


$\lambda_{\text{ХКРП}}$ – ХКРПларнинг рад этишлари интенсивлиги.



7- расм. 200 км узунликдаги ОТАЛ оралиғи: а) стандарт; б) қисқа-масофали оптик кучайтиргичлар ва модификацияланган оптик толалардан фойдаланиладиган

Бажарилган ҳисоблашлар натижасида қисқа-масофали оптик кучайтиргичлар ва модификацияланган оптик толаларнинг қўлланиши тенг шароитларда ОТАЛ оралиғининг узунлигига боғлиқ равишда қуйидагиларни таъминлаши аниқланган (9- расм):

- рад этишсиз бузилмасдан ўртача ишлаш вақтини 7-8%га оширади;
